

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ**



**“ЁШЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ
МУСТАҲКАМЛАШ ЙИЛИ” ГА БАҒИШЛАНГАН**

**ТАЛАБАЛАР ИЛМИЙ ЖАМИЯТИНИНГ АНЪАНАВИЙ 78-ИЛМИЙ
АНЖУМАН МАТЕРИАЛЛАРИ ТЎПЛАМИ**

28 май, 2021 йил

Тошкент, Ўзбекистон

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ	
Yoshlarni qo‘llab-quvvatlash va aholi salomatligini mustahkamlash yili” ga bag‘ishlangan talabalar ilmiy jamiyatining an’anaviy 78-ilmiy anjuman materiallari to‘plami	Раис:
	Н.А.Ақбаров
	Аъзолар:
	З.О.Юлдашев Н.С.Нормахаматов И.Б.Шерматова
	БЎЛИМ РАИСЛАРИ:
	Дори турлари технологияси бўлими раиси Турғунов Жахонгир
	Фармацевтика ишини ташкил қилиш бўлими раиси Усмонова Зоя Рустамовна
	Дори воситаларини стандартлаш ва Сифат менежменти ва Фармацевтик кимё бўлими раиси Шукурова Шаҳодат
	Фармакогнозия ва токсикологик кимё бўлими раиси Рохаталиева Мунира
	Саноат фармацияси бўлими раиси Назаркулов Мирсодиқ Санжар ўғли
Кимё фанлари бўлими раиси Газиёва Азиза Суннатовна	
Тиббий-биологик фанлар бўлими раиси Ҳабибуллаева Наргизаҳон Ҳамидулло қизи	
Биотехнология, Физика, Математика ва Ахборот технологиялар бўлими раиси Синдаров Нодирбек	
Тиллар бўлими раиси Касимова Шурангиз	
Ижтимоий фанлар бўлими раиси Жумаева Барчиной	

фракцияси, чанги, умумий кул миқдори, 10% HCl эритмасида эримайдиган кул миқдори, шунингдек органик ва минерал ёт моддалар аниқланган [2]

Сувли ажратмалар (дамлама ва қайнатма) лар учун XI ДФ да муҳим бўлган талаблар – бу ўсимлик хомашёсининг майдалик даражаси, доривор ўсимлик хомашёси ва экстрагентнинг нисбати, сув шимиш коэффициенти, дамлаш ёки қайнатиш ва совитиш вақтининг давомийлиги, сузилгандан сўнг ажратманинг умумий ҳажми ва бошқалар.

Натижалар. 3 хил йиғма композициялар ҳар хил нисбатда олинди. Улар кетма-кетликда: иттиканак, тоғрайҳон, тирноқгул ва валериана (2:1:1:0,5); (1:1:1:1) ва (3:1:1:1). МТХ ларда келтирилган йиғма технологияси асосида майдаланган ўсимлик хомашёлардан композициялар тайёрланди. Уларнинг экстрактив моддаларини X ДФ сида келтирилган усулда аниқланди. Олинган натижалар куйидагича I-III композицияларда:

I – 13%

II – 13,5%

III – 12,5%

Хулоса. Демак, кейинги тадқиқот ишларимизда ўсимлик хомашёлар нисбати иттиканак, тоғрайҳон, тирноқгул ва валериана 1:1:1:1 олинди. Ишнинг кейинги босқичида йиғмадан дамлама XI ДФ да келтирилган усулда тайёрланди.

Адабиётлар

1. Справочник по лекарственным растениям /Соколов С.Я., Замотаев И.П. – М.: Медицина, 1984. – 404с.
2. Назарова З.А., Абдужалилова М.М. Технология сбора на основе лекарственного растительного сырья для экокосметической ванны // Матер. международной научно-практ.конф. “Современная фармация: новые подходы в образовании и актуальные исследования”, приуроченной к 30-летию независимости Республики Казахстан. Нур-Султан, 2021. – с.29-30.
3. Федосов А.И., Кисличенко В.С. Разработка состава, технологии и фитохимическое исследование желудочного сбора // Матер. Респ. научно-практ.конф.(с международным участием), Ташкент, 2014. – с.236-238.
4. ДФ XI, 2- қисм, М.: Медицина, 1989. – 395 б.

ЭСТРОГЕН ТАЪСИРЛИ ШАМЧА ТЕХНОЛОГИЯСИ

Алиқулова А.Т., Умарова Ф.А.

Тошкент фармацевтика институти, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон Республикаси

e-mail: aaliqulova9787@gmail.com,

тел. +998911359787

Илмий ишнинг долзарблиги. Сўнгги йилларда аёлларда гормонал бузилишлар билан боғлиқ бўлган касалликлар турли хил кўринишда авж олиб бормоқда. Айнан шундай касалликни даволашда организмнинг гормонал фаолиятини изга солиш учун янги самарадор дори воситалари яратиш бугунги кун фармацевтиясининг долзарб вазифаларидан бири бўлиб ҳисобланади. Шунини ҳисобга олган ҳолда акад. С.Ю. Юнусова номидаги Ўсимликлар моддалари кимёси институти олимлари томонидан биринчи марта синтез қилиб олинган янги биофаол модда – тефэстрол ўзининг яққол эстроген таъсири билан алоҳида диққатга сазовордир. Айниқса, тефэстрол тухумдонларни гипофункциясини даволашда, аменорея, қизларда жинсий етилишни кечикиши каби касалликларни даволашда ва профилактика воситаси сифатида қўллашда ижобий натижаларни берган.

Ишнинг мақсади: Эстроген таъсирли тефэстрол субстанцияси асосида вагинал шамчанинг технологиясини ишлаб чиқиш.

Тадқиқот усуллари. Шамчалар одатда 3 хил: жувалаш, қуйиш ва пресслаш усуллари орқали олинади.

Натижалар. Тефэстрол шамчасини олиш учун турли хил асослар (Witepsol W35, Суппорин-М, какао мойи ва ПЭО қотишмалари) иштирокида модель шамчаларни олинди ва қуйидаги технология бўйича қуйиш усулида шамчалар тайёрланди.

Технология: Қуйиш усули бўйича шамчалар ишлаб чиқариш қуйидаги асосий 4 босқичда олиб борилади: шамча асосини тайёрлаш, шамча асосининг таркибига дори моддасини киритиш, шамчалами шакллантириш (қуйиш), шамчалами қадоқлаш ва ўраш.

Тефэстрол субстанцияси тортиб олиниб, етарли миқдорда вазелин мойида эритилади. Witepsol W35 асоси керакли миқдорда тортиб олиниб, сув хаммомида 70-80°C да эритилади, сўнг унга дори модда киритилади. Қуйиш учун махсус қолиплар деворига вазелин мойи сурилади ва шамча асоси қуйилади. Музлатгичга 40-45 дақиқа қолдирилади. Тайёр шамчалар қолипдан ажратиб олинади. Қўнғир идишга солиниб, қадоқланади.

Хулоса. Юқоридаги тажрибалар асосида тефэстрол шамчаси учун оптимал технологик жараён танлаб олинди.

Адабиётлар.

1. Тугелбай Г.Е., Ибрагимова Л.Н. Исследование рынка лекарственных препаратов в форме суппозиторий/пессариев, применяемых лечения вагинального кандидоза./ “Молодая фармация – потенциал будущего” сборник материалов конференции.// Россия. - Фармация. 2020 – С. 442-445.
2. И.А. Юнусова, Е.А. Передерий / Разработка состава и технологии вагинальных суппозиторий с экстрактом листьев шалфея лекарственного.// - Россия. - Фармация. 2019 №8. – С.28-33
3. Умарова Ф.А., Мадрахимов Ш.Н., Маматханов А.У., Маматханова М.А. / Разработка состава и технологии вагинальных суппозиторий тэфэстрола,

обладающего эстрогенной активностью. Фармацевтика журналы №4 2020
Стр. 76-79

ТЕХНОЛОГИЯ ПОЛУЧЕНИЯ СУХОГО ЭКСТРАКТА ИЗ СБОРА ГЕПАТОНОРМ

Аминов Д.К, Шарипова И.Ш.

Ташкентский фармацевтический институт, кафедра технология готовых
лекарственных форм. г.Ташкент, Республика Узбекистан

e-mail: dikafarm92@gmail.com

Тел: +998973334666

Аннотация. В настоящее время создание новых лекарственных форм на основе местных лекарственных растений является актуальной задачей современной фармации. В последнее время в мировой фармацевтической промышленности уделяется большое внимание получению сухих экстрактов и на их основе созданию лекарственных форм, позволяющих получить с удлиненным сроком хранения, удобных при применении, стабильных лекарственных форм, дает возможность расширить арсенал лекарственных форм менее токсичными препаратами растительного происхождения с гепатопротекторными свойствами.

Представляло интерес получить сухой экстракт на основе комбинации трех местных лекарственных растений, произрастающих в Узбекистане, запасы которых достаточны и доклиническими исследованиями доказано применение их как гепатопротекторные средства [1,2].

Цель исследования. Разработка технологии сухого экстракта из трехкомпонентной растительной композиции и установление оптимальных условий экстракции, а также оценка его качества.

Материалы и методы. В качестве сырья для получения сухого экстракта были использованы, траварастаропша, цветки бессмертника, кукурузные рыльца, которые в своем составе содержат биологически активных веществ: флавоноиды (гиперозид, рутин), дубильные вещества, эфирное масло, витамин С, иридоиды, сапонины, антоцианы, фенолокислоты, кумарины, органические кислоты, β – ситостерин, глицирризиновую кислоту и ряд других веществ [1].

Полученный сухой экстракт представляет собой темно –коричневый, сыпучий порошок, со своеобразным запахом, сладковатого вкуса, растворим в воде и спирте. Сухой экстракт условно был назван «Гепатонорм».

Выводы.

1. Впервые разработана технология сухого экстракта «Гепатонорм» из трехкомпонентной растительной композиции. По результатам исследований выбран в качестве экстрагента этиловый спирт в концентрации 70% . Установлены: размеры частиц для сырья трав (3-5 мм) количество экстрагента в отношении к сырью составил 1:20, метод – циркуляция.